

## А Ж Р И М

2021 йил сентябрь ойининг 29 куни, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди, суд биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Рахимов, судья ёрдамчиси Х.Газибековнинг котиблигида, Шайхонтохур туман прокурори катта ёрдамчиси М.Бердиқиличева иштирокида,

**Абдилаҳадов Умид Васикович** – 19.08.1982 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, бўйдоқ, мукадам судланган, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Оқлон МФЙ, Х.Икрамов кўчаси, 4-уйда истиқомат қилувчига

нисбатан **муддатидан илгари жазодан озод қилиш тўғрисидаги** Шайхонтохур туман ИИО Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномасини кўриб қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Иш ҳужжатларига кўра, **У.Абдилаҳадовга** жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 03.12.2020 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Маҳкум суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг **9 ой**ини ўтаган.

Маҳкум Шайхонтохур туман ИИО Пробация бўлими томонидан рўйхатга олиниб, жазони ўташ тартиб-қоидалари билан ёзма равишда таништирилган.

Иш ҳужжатларида маҳкум жазо муддатини ўташ даврида ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этиб, ижобий тавсифланганлиги кўрсатилган.

Шайхонтохур туман ИИО Пробация бўлими судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, маҳкум юқорида кўрсатилган манзилда суд томонидан белгиланган тақиқлар (чекловлар) ва мажбуриятларни бузмасдан жазо ўтаб келмоқдалигини, қилмишидан пушаймонлигини инobatга олиб, тайинланган жазонинг **1 йил 3 ой**дан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.

Судда маҳкум оилавий моддий шароитини инobatга олиб, туман ИИО Пробация бўлимининг тақдимномасини қувватлаб, тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Суд маҳкумни тинглаб, тақдим қилинган иш ҳужжатларни таҳлил қилиб, туман прокурори ўринбосарининг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, шунингдек, маҳкум юқорида кўрсатилган манзилда суд томонидан белгиланган тақиқлар (чекловлар) ва мажбуриятларни бузмасдан жазо ўтаб келмоқдалигини, оилавий-моддий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлигини инobatга олиб, суд мазкур тақдимномани қаноатлантириб, уни тайинланган жазони ўталмай қолган қисмидан муддатидан илгари озод қилишни лозим топади.



Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536, 541-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилади,

### **А Ж Р И М:**

Шайхонтохур туман ИИО Пробацяя бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

**Абдилаҳадов Умид Васикович** суд томонидан тайинланган ва ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг **1 йил 3 ой** дан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда ЖПКнинг 497<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

**Б.Рахимов**

*Аслига тўғри, судья:*

